

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Каттакүрғон тумани ҳокими  
ўринбосари**



**С.Джумаева**

**2022й**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Каттакүрғон -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Танлов предмети: "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга Курилиш материаллари сотиб олиш харажатлар

Танлов охирги қиймати – 53 000 000 (Эллик уч миллион) сүм.

Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайды ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинганди.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Каттақўргон туман ҳокимлиги (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчisi ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақўргон тумани М.Улуғбек МФЙ А.Навой кўчаси 1-А уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3. Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талаборларга куйдаги малакавий талаблар куйилади:

Давлат солик қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали корхоналар рўйхатига киритилмаганлиги; қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солик қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот;

Шартнома тузиш учун қонуний хукуққа эгалик, яъни ушбу турдаги техникани сотиш учун ҳужжатнинг мавжудлиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳамда Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

Ушбу турдаги маҳсулотнинг параметрлари, сифати, расмлари ва етказиб бериш муддати тўғрисидаги маълумот;

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли хужжатга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва муҳирланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўҳшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Давлат харидлари тұғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланған тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланған тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (иши, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда кўрсатилған ахборот ўзгартирилған бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига туғишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланған таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилди.